

# Мундарижа

## Кластер

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА.  
Мева ва сабзавотчилик кластерларини  
ташкил этишнинг аҳамияти

3

## Мулоҳаза

Баҳодир ХУСАНОВ. Пенсия жамғармасини  
босқичма-босқич такомиллаштириш муаммолари:  
тикланиши ва ривожланиши

6

## Тараққиёт

Улуғбек ЗИЯДУЛЛАЕВ.  
Янги Ўзбекистонда барқарор ривожлантириш  
ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш  
стратегиясининг истиқболли йўналишлари

10

## Олий таълим

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ, Ҳамза РЎЗИЕВ,  
Нигина ОДИНАЕВА. Олий таълим тизимида  
рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари

16

## Агросаноат

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА. Ўзбекистонда  
агросаноат кластерларининг шаклланиши ва  
жадал ривожлантириш йўллари

20

## Рақобатбардошлик

Саида ЮЛДАШЕВА. Озиқ-овқат саноати  
корхоналарнинг рақобатбардошлигини  
таъминлаш стратегиялари

24

## Инсон капитали

Мираббос ХАМРОКУЛОВ.  
Рақамли иқтисодий шароитда инсон капиталини  
ривожлантириш йўналишлари

28

## Туризм

Ойбек Жулибой ўғли. Туризм соҳасида  
мутахассисларни тайёрлашнинг  
муғим жиҳатлари

31

## Таҳлил

Каржаубай НУРМАНОВ. Қишлоқ хўжалик  
корхоналарида даромадлар ва харажатларнинг  
стратегик бошқарув таҳлилини ташкил этиш

34

## Маркетинг

Шерзод МАРДОНОВ.  
Пахта тозалаш корхонаси  
маркетинг стратегиясининг  
ўзига хос хусусиятлари

37

## Нигоҳ

Музаффаржон АКБАРОВ.  
Тўқимачилик корхоналарида маркетинг  
натижадорлигини бошқаришнинг хусусиятлар

41

## Самарадорлик

Феруза АЗИМОВА. Тўқимачилик корхоналарида  
баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини  
қўллаш орқали фаолият  
самарадорлигини бошқариш

46

## Кичик бизнес

Анвар ХУШВАҚОВ. Кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорликни давлат томонидан  
қўллаб-қувватлаш йўналишлари

49

## Агробизнес

Омадой АБДУРАШИДОВА. Агробизнес  
корхоналари фаолиятини ривожлантириш масалалари

52

## Стратегия

Ҳумоюн ЭГАМБЕРДИЕВ. Ривожланиш стратегиясини  
ишлаб чиқишнинг концептуал асослари ва  
қишлоқ хўжалиги соҳалари ҳолати

55

# Содержание

## Финансовый рынок

Хадича КАДИРОВА. Основные направления  
привлечения инвестиций и повышения  
прозрачности финансового рынка

58

## Международный рейтинг

Хилола ОЧИЛОВА, Феруза ИСРАИЛОВА. Повышение  
позиций Узбекистана в международных рейтингах

61

## Экономика туризма

Дилбар АСЛАНОВА, Алишер НАСИМОВ.  
Методические основы  
идентификации туристских кластеров  
на примере Самаркандской области

64

## Рынок труда

Фотимабону ДОНИЁРОВА. Стратегии поведения  
молодежи на современном рынке труда Узбекистана

74

## Профессиональное образование

Шахзод МАКСУДОВ. Кластерно-интегрированное  
инновационное развитие профессионального  
образования Узбекистана с элементами  
дуального обучения

78

## Analysis

Binoy Joy Kattadiyil, Bakhtiyor ISLAMOV. Insolvency  
and bankruptcy code (IBC) and private equity

81

## Tourism potential

Aziza USMANOVA. Issues of increasing the efficiency  
of tourism potential in the region

86

## Public-private partnership

Shakhzod MAKSUDOV.  
Ensuring the economically stable development  
of Uzbekistan by improving professional educational  
institutions on the basis of public-private partnership

89

**ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ**

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ**

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

**Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

**Нагмет АИМБЕТОВ**

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**Юрий ОДЕГОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

**Игорь БУТИКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин КАЛОНОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

**Адҳам БЕКМУРОДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин ПЎЛАТОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

**Дурбек АХМЕДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Бахтиёр ИСЛОМОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Баҳодир УМУРЗАКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

## Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари Вопросы обучения конкурентоспособного персонала в системе высшего образования Issues of training competitive personnel in the higher education system

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,  
кафедра мудири, PhD  
Ҳамза РЎЗИЕВ,  
Нигина ОДИНАЕВА  
магистрантлар.  
Бухоро давлат университети

### Аннотация

Мақолада Ўзбекистон таълим тизимидаги асосий ўзгаришлар ва устувор вазифалар, шунингдек, битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш масалалари ёритилган.

В статье освещаются ключевые изменения в системе образования Узбекистана и основные задачи, вопросы повышения конкурентоспособности выпускников вузов на рынке труда.

The article highlights the key changes in the education system of Uzbekistan and the main tasks, issues of improving the competitiveness of university graduates in the labor market.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада энг муҳим масалалардан бири, меҳнат бозорида олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини ошириш устувор муаммолардан бири ҳисобланиши ва уларни ҳал қилиш учун мажмуали равишда ёндашиш лозимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида эътибор қаратилган ўта муҳим ва ўзига хос жиҳат - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида: “Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом

этириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида, юртимизда 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” [1] деб эълон қилиниши чуқур маънога эгадир.

Бу, хусусан, ташкилий механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни назарда тутиб, олий таълим муассасаларининг меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқлигини изчиллик билан амалга ошириш ва такомиллаштиришга олиб келади. Бу жараёнда давлат, олий таълим муассасалари, оилалар, талабалар, давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар юқоридаги муаммони ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, турли хил субъектларнинг саъй-ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштирилмаслиги сабабли битирувчиларнинг рақобатбардошлигини тўлақонли таъминлай олмайди ва бу ҳолат битирувчиларнинг меҳнат бозорига сунъий равишда мослашиш

**Калит сўзлар:** таълим, инновацион ривожланиш, олий таълим, илмий-техник ривожланиш, университет, рақобатбардошлик, битирувчилар, меҳнат бозори.

жараёнини юзага келтиради.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда бевосита ёки билвосита иштирок этувчи турли субъектларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурати туғилиб, рақобат шароитида ижтимоий ва касбий тажрибага эга бўлмаган битирувчилар етарли даражада ҳимояланмаган ижтимоий гуруҳ бўлиб, ишга жойлашиш жараёнида қатор қийинчиликларга дуч келади. Бу меҳнат бозорининг ёшлар сегментидаги вазиятни янада оғирлаштиради. Бухоро вилояти статистик маълумотларига кўра, рўйхатдан ўтган ишсизларнинг қарийб 25-30 фоизини ёшлар ташкил этади, уларнинг ҳар учдан бир қисми олий маълумотга эга<sup>1</sup> Олий таълим муассасаларини иқтисодий бошқариш мураккаб, зиддиятли бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиган кўпгина тармоқларини бошқаришдан бир қатор сифат белгиларига кўра фарқланади. Уларнинг асосийси таълим тизимининг нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланиши, балки жамият ва давлатнинг сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда бошқа эҳтиёжларини таъминлашнинг муҳим омили бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаши ва такомиллаштириб боришидан иборатдир. Шу сабабли, таълим тизимини бошқариш ва унинг самарадорлигига баҳо беришга жамиятнинг кенг қамровли эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Таълим хизматларининг глобал бозорда рақобатнинг кучайиши муаммолари билан боғлиқ. Олий таълим муассасалари ўзларининг рақобатбардошлигини ошириш йўлларини ва воситаларини қидиришмоқда.

Малакали меҳнат ресурслари Республикамиздаги мавжуд узлуксиз таълим тарбия тизимида шаклланади. 2019 йил 1 январь ҳолатида Республика мактабгача таълим ёшидагиларининг 35 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичлар тақсимооти қуйидагича: Тошкент шаҳрида 74 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 41 фоиз, вилоятлар кесимида эса Фарғона 40 фоиз, Бухоро 39 фоиз, Навоий ва Сирдарё 38 фоиз, Тошкент 37 фоиз, Жиззах 32 фоиз, Хоразм 30 фоиз, Самарқанд ва Қашқадарё 24 фоиз, Сурхондарё 18 фоизга тенг. Республика ёшларининг таълим муассасалари ва олий таълимдан кейинги таълим институтларида ҳудудлар кесимидаги


тақсимооти 1-чизмада келтирилган [4].



Кейинги йилларда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишлар шулар жумласидандир.

1992-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори ва фан номзодлари илмий даражасида тасдиқланган фан тармоқлари кесимидаги тақсимоот 2-чизмада келтирилган [4].

Ушбу кўрсаткичларда жами 14976 та илмий даража олганлардан 2408 (16 фоиз) нафари фан доктори, 12568 (84 фоиз) фан номзодларидир. Фан тармоқлари бўйича барча илмий даража олганларнинг тақсимооти эса қуйидагича: тиббиёт – 3778 (25 фоиз), техника – 1851 (12,4 фоиз), филология – 1162 (7,8 фоиз), иқтисодиёт – 1480 (9,9 фоиз), физика-математика – 988 (6,6 фоиз), педагогика – 929 (6,2 фоиз), биология – 854 (5,7 фоиз), юридик – 716 (4,8 фоиз), тарих – 679 (4,5 фоиз), қишлоқ хўжалиги – 656 (4,4 фоиз), фалсафа – 397 (2,6 фоиз), психология, география, геология-минералогия, фармацевтика, сиёсат – (1 фоиз) атрофида, санъатшунослик, ветеринария, архитектура, социология – (0,25- 075 фоиз), исломшунослик – (0).




2-расм. 1992-2012 йилларда фан доктори ва фан номзодлари илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг фан тармоқлари бўйича тақсими.

<sup>1</sup> www.lex.uz.

Мазкур илмий даражаларнинг фан ва олий таълим муассасаларида шакллантирилган илмий мактаблари асосида кейинги йилларда ҳам илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш давом эттирилди. 2013-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган илмий кадрларнинг фан тармоқлари кесимидаги тақсимоти 3-чизмада келтирилган [4].

Ушбу кўрсаткичларда жами 2901 та илмий даража олганлардан 1060 (36 фоиз) нафари фан доктори (DSc), 1841 (64 фоиз) фалсафа доктори (PhD). Фан тармоқлари бўйича барча илмий даража олганларнинг тақсимоти қуйидагича: техника – 580 (28 фоиз), тиббиёт – 481 (16,6 фоиз), филология – 262 (12,5 фоиз), қишлоқ хўжалиги – 237 (8 фоиз), иқтисодиёт – 226 (7,8 фоиз), педагогика – 191 (6,6 фоиз), физика-математика – 184 (6 фоиз), биология – 157 (5,4 фоиз), кимё – 112 (3,8 фоиз), юридик – 96 (3 фоиз), тарих – 95 (3 фоиз), фалсафа – 69 (2,4 фоиз), геология-минералогия, психология, география, фармацевтика, сиёсат – (1 фоиз) атрофида, санъатшунослик, ветеринария, архитектура, социология – (0,25-0,75 фоиз), исломшунослик – 2 (0,07 фоиз).



3-расм. 2013-01.08.2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг фан тармоқлари бўйича тақсимланиши

Юқоридаги таҳлиллар инсон капиталига асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва таълимга бош устувор йўналиш сифатида қараш, соҳалар ташкил этувчилари (фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш) интеграциялашувини чуқурлаштириш, инвестицион жараёнларни янада жадаллаштириш ҳамда инновацион муҳитни яратиш, илмий-тадқиқотлар натижадорлигини

ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш мақсадидалигини кўрсатади.

Олий таълимнинг асосий мақсади рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва рақобатбардош хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборатдир. Аммо, ҳозирги кунда олий таълимни ташкил этиш энг яхши тизимини белгилаш учун сифатни бошқаришнинг амалиётда синовдан ўтган усулларини қўллаш жараёни долзарб бўлиб қолмоқда. Битирувчилар рақобатбардошлиги кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида албатта битирувчиларининг ишга жойлашиш даражаси ва меҳнат фаолиятидаги муваффақияти билан ўлчаниши табиий ҳолдир [5].

Бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим муассасалари кўпинча истемолчилар талаби ва афзалликларини инобатга олмайди. Шу билан бирга, таълим муассасаси битирувчиларнинг таълим сифати ва иш билан таъминланиши учун жавобгардир. Инновацион ривожланиш жараёнида баъзи ОТМлар қийин муаммога дуч келмоқдалар – бир томондан, университетнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, бошқа томондан унинг битирувчиларини иш билан таъминлаш.

Ечим битта бўлиши мумкин: битирувчиларнинг рақобатбардошлиги (иш билан таъминланиши) учун жавобгарликни бирлаштириш ва талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш. Таълим муассасалари олдида нафақат меҳнат бозорининг миқдор ва сифат жиҳатидан ривожланиш тенденциялари, балки келажақдаги истиқболларини башорат қилиш вазифаси турибди. Меҳнат бозори учун ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатини башорат қилиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, жамиятнинг sanoat ва инновацион ривожланишининг асосидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, битирувчининг таълим натижалари (ўқув натижалари) нафақат миллий ҳамда ишлаб чиқариш малакалари доирасида, касб стандартларига мос келиши, балки унинг ишга жойлашиши, қўшимча маълумот олиш ва агар керак бўлса, фаолият соҳасини ўзгартириши учун кенг имкониятларни яратиб бериши даркор. Буларнинг барчасига фақат касбий фаолиятнинг аниқ йўналишларига йўналтирилган талабаларни тайёрлаш орқали эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси/Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017 й.
3. Основные макроэкономические тренды Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. Министерство экономики и промышленности. – Ташкент: 2019 г.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “2018 йилда Ўзбекистон республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг кўрсаткичлари”. – Тошкент: 2019 (2019 йил 1 январь ҳолатига).
5. Қаҳҳоров О.С., Адизов Б.И. Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги: тушунчалар, фикрлар, қарашлар.// Жамият ва Бошқарув. 2019 й. №1 (83). 115-117-бетлар.
6. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2017 й. 75 б.
7. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. – Т.: “Фан ва технология”, 2015 й.
8. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).